

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 февраль куни Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасига ташриф буюрди.

Дастлаб бош бошқарманинг ахборот мультимедиа маркази фаолияти билан танишилди. Бу марказ энг замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланган, жиноят ва жодисалар тўғрисида тезкор хабарлар тайёрлаш, брифинг ва матбуот анжуманлари ўтказиш учун барча шароит яратилган.

Давлатимиз раҳбари бундай ахборот маркази ҳар бир бошқармада бўлиши кераклигини, тизимдаги ўзгаришларни халққа етказиб, аҳолининг огоҳлигини ошириш зарурлигини таъкидлади.

— Ҳозир ҳамма телефонда, ижтимоий тармоқларда. Одамларни ички ишлар бўлимига чақирадиган ёки қўғоздаги мурожаатини кутиб ўтирадиган замон ўтиб бўлди. Энди туман ва шаҳар бошқармасини маҳалла билан боғлайдиган, одамлар билан онлайн мулоқот қилади-

ган дастурий махсулот яратиш керак. Бутун ички ишлар тизими ахборот технологиялари асосида ишлаши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси тизимида фойдаланилаётган махсус техника ва воситаларни кўздан кечирди.

Ташриф чоғида Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг шон-шараф музейи очилди. Давлатимиз раҳбари уни кириб кўрди.

Музейда тарихнинг турли давларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасининг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари акс эттирилган. Бошқарма шахсий таркибининг турли йиллардаги хизмат кийимлари, табель қуроллари, ускуна ва махсус воситаларидан намуналар кўргазмага қўйилган.

Музейнинг алоҳида бўлими ички ишлар органлари фахрий-

лари, хизмат бурчини адо этиш пайтида ҳалок бўлган ходимларга бағишланган.

Шу ерда жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликни жийловлаш ишларини бевосита маҳаллаларда ташкил этиш, профилактика инспекторларининг бу борадаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича янги тизим лойиҳаси тақдимот қилинди.

Шу кунги Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида иштирок этди.

Йиғилишда ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишидаги ишлари танқидий муҳокама қилинди.

— Ҳуқуқ-тартибот идораларига ҳамма шароитларни яратиш, энг замонавий техникаларни олиб

бердик. Катта ваколат, куч ва воситалар бор. Лекин натижа кутилганидек эмас. Органлар яқдид бўлиб, вертикал бошқарувни тўғри ташкил эта олмапти. Уларнинг ишидан халқимиз норози, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тартиб-интизом, қонунларга ҳурмат, аҳолининг осойишталиги, энг аввало, маҳаллада тўғри йўлга қўйилиши зарурлиги таъкидланди. Бу борада қўрилган дастлабки чоралар натижасида ўтган йили 4 минг 500 дан зиёд маҳаллаларда биронта ҳам жиноят бўлмаган. Лекин кўп раҳбарлар маҳаллага тушиб ишлагани, муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, ҳал қилмагани оқибатида айрим маҳаллаларда жиноятлар ошгани кўрсатиб ўтилди.

Жиноятчиликни маҳаллаларда жийловлаш, профилактика инспекторининг иш юкласини енгиллаштириб, натижадор-

лигини ошириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилди.

— Қайси ҳоким профилактика инспекторини қабул қилиб, гаплашди? Унинг бир кунлик ишини, оилавий шароитларини ўрганди? Ҳамма “каттакон” участка нозирга буйруқ беради. У ҳамма нарса билан шуғулланипти, кўп вақт йўқотаяпти, асосий иши қолиб кетаяпти. Ўзи энг катта меҳнаткаш — профилактика инспектори. Агар унга шароит яратсак, у давлатдан рози бўлиб ишласа, кўп масалалар ҳал бўлади, — деди Президент.

Ички ишлар идораларининг барча бўғинида қўғозбозлик ва бюрократияни кескин камайтириб, иш юритишни рақамлаштириш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда Ички ишлар вазирлигида ахборот технологиялари бўйича алоҳида вазир ўринбосари лавозими жорий этилгани маълум қилинди.

Соҳа учун профессионал кадрлар тайёрлашни янги босқичга кўтариш, профилактика инспекторлари ва терговчиларнинг билимини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

— Ички ишлар ходимлари туну кун, ҳар қандай шароитда эл хизматида, — деди Президент. — Бу пандемия шароитида, Бухоро ва Сардобадаги оғир қунарда яққол кўринди. Бошқа пайт ҳам хавф-хатар доим уларнинг ёнида. Иш ҳақини белгилашда бунини инобатга олиш зарур. Шунинг учун жорий йилда барча ички ишлар ходимлари иш ҳақи 30 фоизга, жамоат хавфсизлигини таъминлашга бевосита жалб этилган, содда қилиб айтганда, маҳаллада хизмат ўтовчи ходимлар иш ҳақи эса 60 фоизга оширилади.

Йиғилишда айрим тузилмалар раҳбарлари лавозимидан озод этилди.

Кун тартибидидаги масалалар юзасидан ички ишлар вазирлиги, ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ва вилоят ҳокимлари ахборот берди.

Ў.А.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 3 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 5 февралда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгаришлар киритилсин:

1) 17-модданинг тўртинчи қисми «127» рақамидан кейин «128» рақами билан тўлдирилсин;

(Давоми 2-бетда).

14 февраль – Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

КЎҲНА ТАРИХИМИЗГА ОИД ҒУРУРБАХШ ВОҚЕЛИКЛАР БАЁНИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг муҳташам “Бобурнома” асари нафақат мемуар характерда бўлгани, балки ўз даврида дунёга донги кетган теурийлар салтанатидаги урф-одатлар, қадриятлар, халқнинг турмуш тарзи, халқаро муносабатлар ҳақида қимматли маълумотлар бергани билан ҳам бебаҳо ёдгорлиқдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев турли йиғилишларда, олимлар, академиклар, зиёлилар билан учрашувларида соҳа вакиллари мамлакатимиз тарихини илмий асосда тадқиқ этишга даъват қилиб келади.

Хусусан, давлатимиз раҳбари Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказига ташрифи чоғида таъкидлаганидек, ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг юртимиздагидек бой ўтмиш, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказиб билишимиз керак.

Шу маънода, “Бобурнома”да улуғ бобомиз бетакрор шахси, давлат бошқарувида оид ислохотлари, умуман,

кўҳна тарихимизга доир ғурурбахш воқеликлар ҳақида қайд қилинади. Чунончи, етакчи куч сифатида сиёсий ва тарих майдонига чиққан ҳазрат Бобур “Бобурнома”нинг 1507-1508 йиллар воқеалари баёнида теурийлар ўйғониш даврининг бир юз қирқ йилга ёвуқ давлат бошқаруви тарихида олдин бўлмаган, яъни Ҳиндистон азимати олдидан ўзи жорий қилган бир сиёсий ислохоти, яъни ўзини “подшоҳ” деб эълон қилиш бўйруғи, санаси ҳақида фажр билан баён қилар экан ва шу лавҳада қиёс учун Амир Теури эслади: “Ушбу тарихқана (913 йил) Теурибегнинг авлодини бовужди салтанат Мирзо дерлар эди, ушбу нават буюрдум-ким, мени подшоҳ дегайлар”.



ҲИҚМАТ

Ҳиммате тут, доғи давлат истағил, Ҳимматинг бўлса, бўлур давлат тоғи.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур



БИЗ ва ЖАҲОН

«Халқ сўзи» учун махсус

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАМЛАКАТНИ МИНТАҚАДАГИ РИВОЖЛАНИШ МАРКАЗИГА АЙЛАНТИРДИ

Латвия Халқаро муносабатлар институти “Латвиянинг ташқи сиёсати ва хавфсизлиги” деб номланган йиллик ҳисоботни эълон қилди.

Хужжатнинг Марказий Осиёга оид бобида минтақа бўйича етакчи мутахассис, Латвиянинг Чехиядаги элчиси Гунта Пасторе муаллифлик қилган.

Хужжатда Латвия ташқи сиёсатининг яқин истиқболдаги устувор йўналишлари ва геоиқтисодий мақсадларига оид таҳлилий маълумотлар ўрин олган. Ҳисобот Латвия парламенти ва Ташқи ишлар вазирлигининг буюртмасига биноан тайёрланган.

Таҳлилий ҳужжатнинг Марказий Осиёга бағишланган

қисмида Ўзбекистон раҳбарияти ички ва ташқи сиёсатининг трансформацион хусусиятига алоҳида эътибор қаратилган. Бундай ўзгариш самарасида минтақада мутлақо янгича муносабатлар муҳити вужудга келди. Бу Латвия ва Европа Иттифоқи учун жуда муҳим, деб таъкидланади.

Муаллиф, хусусан, “Шавкат Мирзиёевнинг тўрт йил давомидида Президентлик даврида Ўзбекистон очик давлатга айланиб, улкан ютуқларга эришти”, дея қайд этган.



МУРОЖААТНОМАДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИШ РЕЖАМИЗНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИ

Ўзбекистоннинг Европа давлатлари билан алоқалари тобора стратегик мазмун-моҳият касб этмоқда. Юқори иқтисодий, саноат ва интеллектуал салоҳиятга эга Австрия мамлакатимизнинг Европа қитъасидаги ҳам сиёсий жиҳатдан, ҳам савдо-иқтисодий йўналишда истиқболли шерикларидан бири ҳисобланади.

Австриянинг гидроэнергетика, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш ва рақамлаштириш соҳаларидаги тажрибаси кўплаб давлатларда кенг қўлланилади. Мамлакат пойтахти Вена Нью-Йорк ва Женева шаҳарлари каби Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг учта йирик бош қароргоҳидан биридир. Вена халқаро марказида БМТнинг қатор бўлинмалари ва иxtиссслаштирилган тузилмалари жойлашган.

«Дунё» АА муҳбири Ўзбекистоннинг Австриядаги элчиси, Венадаги халқаро ташкилотлар ҳузуридаги миссия раҳбари Абат ФАЙЗУЛЛАЕВ билан икки ва кўп томонлама ҳамкорлиқнинг бүгунги ҳолати ҳамда истиқболлари тўғрисида суҳбатлашди.

— Ўзбекистоннинг Венадаги элчихонаси нафақат Австрияда, балки Венгрия ва Словакияда ҳам аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхонадир. Дипломатик миссия Европанинг учта етакчи давла-

қавий ташкилотларидан бири — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТТ), шунингдек, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси (UNODC), Саноатни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO), Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (UNCITRAL), Халқаро атом энергетикаси агентлиги (IAEA), Ядро синовларини ялпи

таъкидлаш тўғрисидаги шартнома ташкилоти (СТВТО) ва бошқа халқаро ташкилотлардаги доимий ваколатхонаси ҳисобланади.

Дунё тартиби, ҳамма қўни-қўн қолган турмуш тарзи ва меҳнат интизомини ўзгатириб юборган коронавирус пандемияси дипломатик хизматга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бироқ мавжуд қўйинчиликларга қарамастан, биз профессионал фаолиятимизни амалга ошириш ва мақсадларимизга эришиш учун самарали усулни яратишга муваффақ бўлдик. Ахборот ва телекоммуникация технологиялари ёрдамида дипломатик ваколатхона иш суръатини сусайтирмасликка эришдик.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2) қуйидаги мазмундаги **128'-модда** билан тўлдирилсин:

«**128'-модда. Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсга моддий қимматликлар бериш ёхуд уни мулкий манфаатдор этиш орқали у билан жинсий алоқа қилиш**

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахснинг ўн саккиз ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлгани ҳолда, унга моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш орқали у билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, –

уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузаоти ишлари ёхуд икки йилгача озодлиқни çekлаш ёхуд икки йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

3) **148'-модда иккинчи қисмининг диспозициясидаги** «худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **216'-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушар ҳаракатлар вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодлиқни çekлаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

5) **246'-модда биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «қучли таъсир қилувчи заҳарли» деган сўзлар «қучли таъсир қилувчи, заҳарли» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси

Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **345-модданинг бешинчи қисмидаги** «216, 217, 222-моддаларида» деган сўзлар «216-моддасида, 216'-моддасининг иккинчи қисмида, 217, 222-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **381'-модда биринчи қисмининг 1-бандида:**

«128-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлардан кейин

«128'-моддасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин; «214-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлардан кейин «216'-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда;


2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар) **51-моддасининг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2021 йил 12 февраль
№ ЎРҚ—673

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАМЛАКАТНИ МИНТАҚАДАГИ РИВОЖЛАНИШ МАРКАЗИГА АЙЛАНТИРДИ



Пандемия шароитига қарамаздан, “Ўзбекистондаги ислохотлар илчил давом этмокда, мамлакат ўзгаришлар жараёни ва бозор иқтисодиётига содиқлигини намоён қилмокда” Халқаро ҳамжамият мазкур ислохотлар самарадорлигини тан олди. Шу муносабат билан эксперт 2019 йил декабрь ойида Британиянинг нуфузли “The Economist” журнали Ўзбекистонни барча ислохотда юксак натижаларга эришган “йил мамлакати” сифатида тан олганини эътироф этган.

Сўнгги йилларда эришилган ютуқлар қаторида Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши таркибига биринчи марта сайлангани маълум қилинган.

Муалифнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Халқаро валюта фонди башорат қилганидек, 2020 йил якунлари бўйича иқтисодий ўсишга эришган дунёдаги камсонли мамлакатлардан бири бўлди. Тошкент минтақавий транзит марказига айланиш учун барча имкониятга эга. Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича музокараларнинг тикланиши ижобий қадам сифатида баҳоланмокда.

Минтақавий ривожланиш истиқболлари ҳақида фикр юритилар экан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг саяёҳаракатлари натижасида Марказий Осиёда ўзаро ҳамкорлик янада фаоллашганига эътибор қаратилган.

Таъкидланишича, пандемия авж олган вазиятда ўзаро муносабатлар янада қучайган. “Марказий Осиё мамлакатлари трансгегарвий юқ ташкиш ва гуманитар ёрдам етказиш учун “яшил йўлак” тартиб эйтиб, мисли қўрилмаган бирдамлик намунасини намойиш қилди. Бу нафақат дипломатик қадам, балки минтақавий ҳамкорлиқни мустақамлаш истаги ифодаси ҳам бўлди. Бундай ҳамкорлик товар айирбoшлаш ҳаммини ошириш, транспорт йўлакларини тартибга солиш, транзит жараёни ва тарифларни тақомиллаштириш орқали инкирoзoдан чиқишда ўзига хос “қалип” бўлади”, деб ёзди муаллиф.

Экспертнинг, шунингдек, Ўзбекистон раҳбари Афғонистондаги хавфсизлик ва барқарорлик масаласини “бирлаштирувчи элемент”га айлантиргани, Тошкент Марказий Осиё ва Афғонистон ўртасида янада самарали ҳамкорлик қилишни йўлга қўйишда етакчи рoлни бажараётганига ишончи қомил.

“Ўзбекистон Президенти 2020 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясида нуқт сўзлаб, Афғонистон Марказий Осиёнинг ажралмас қисми эканини таъкидлади, — деб ёзди латвиялик дипломат. — Шунингдек, у БМТнинг Афғонистон бўйича доимий комис-

сиясини тузиш ташаббусини илгари сурди. Халқаро ҳамжамият ушбу саяёҳаракатларни қўллаб-қувватламокда ва бундай ижобий ташаббуслар давом этишини кутиш керак”. Гунта Пасторе Латвия Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг Чегараларни бошқариш дастури консорциуми раҳбари сифатида ушбу иттилишларга ўз хосасини қўйишга тайёрлигини таъкидлаган. Дастурнинг анги бoсқичини амалга ошириш Афғонистонни ҳам қамраб олади.

Мутахассис, шунингдек, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ҳамкорлиги доирасидаги иқтисодий ва инвестициявий сийёсати эътибор қаратади. Унга қўра, Тошкент Преференциялар бoш тизими (GSP)-нинг бeнeфициари макомини олишга қизқиш билдирмокда. Бу эса Европа Иттифоқи худуди-га экспорт тарифларини пaсaйтириш имконини бeради. “Латвия Европа Иттифоқи Ўзбекистонга COVID-19 инкирoзининг салбий оқибатларини бартараф этишга ёрдам бeриш учун тезрoқ ҳаракат қилиш керак, деб ҳисoблайд-ди. Шунингдек, ЕИ Марказий Осиёга ажратаётган қўмақ ҳажмини ҳеч бўлмаганда ҳозирги даражада (1,2 миллиард евро) сақлаб қолиши мумкиндир”, дея ёзди муаллиф. Бундай ҳаракат ЕИнинг минтақадаги шерикларига “тўғри ишора” бўлиб хизмат қилади, дея фикр билдирган у.

Мутахассис таълим соҳасидаги ҳамкорлиқни “муваффақият тарихи” деб ҳисoблайд-ди. Буннинг ёрқин ифодаси сифатида 2020 йил октябрь ойида Латвия табиий фанлар университети, Самарқанд вeдeтeрияри медицинаси институти ва Тошкент давлат иқтисодий университетининг Самарқанд филиали иштирок-ида икки томонлама дипломларни тан олиш дастурлари йўлга қўйилганини мисoл тариқасида келтирди.

Эксперт Латвия савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантиришда Марказий Осиё мамлакатлари орасида “минтақавий хабга айланиб бoраётган ва Латвия қўлагига мoс кeладиган Ўзбекистон билан энг катта истиқболларга эга”, дея хулoса қилди.

Гунта Пасторе ҳисoбoтнинг мазкур бoби якунида 2021 йилда Ўзбекистонда Президент сайлови бўлиб ўтишини маълум қилди. Халқаро мутахассис “Шавкат Мирзиёевнинг қайта сайланишига шубҳа йўқ. Чунки айнан у Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасидаги ижобий ривожланиш марказига айлантирди”, дея хотима ясади ўз ҳисoбoтига.

«Дунё» АА.
Рига

МУРОЖААТНОМАДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИШ РЕЖАМИЗНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ҲИСOБЛАНАДИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ташки ишлар ва зирлиги ва мамлакатимизнинг хориқдаги элчионалари фаолиятига бағишланган йиғилиш чоғида дипломат чинакам ватанпарвар, ўз халқи ва Ватанига содиқ бўлиши кераклигини таъкидлаган эди. Шундагина биз интилаётган барча мақсадларимизга — Ўзбекистоннинг илчил ривожланиши, халқнинг турмуш даражаси ва фаровонлигининг тубдан ўсишини таъминлашга эришишимиз мумкинлигига алоҳида эътибор қаратганди. Республикаимизнинг барча дипломатик ваколатхоналарининг асосий мақсади мамлакат манфаатларига хизмат қилишдан иборат бўлмокда. Пандемия шарoитида элчионанинг асосий вазифаларидан бири мезбон давлатлар билан савдо-иқтисодий ва сармовий алоқаларни янада ривожлантириш орқали халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий фарoвонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишдир.

2020 йилда Австрия Федерал иқтисодий палатасининг биринчи вице-президенти Рихард Шенц бошчилигидаги йирик бизнес миссиясининг Ўзбекистонга ташрифи ташкил этилди. Венгрия ташки иқтисодий алоқалар ва ташки ишлар вазирли Петер Сийяртронинг ўтган йилнинг февраль ва июль ойларида мамлакатимизга ташрифлари уюштирилди. Венгрия делегацияси билан энергетика, банк-молия, маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича келишувларга эришилди. Хусусан, томонлар Тошкента “OTP Bank” ва Дебрецен университети филиалларини очиб бўйича музокараларни бошлади.

Элчиона қўмағи ҳамда Австрия компаниялари билан ҳамкорликда саноат ва қишлоқ ҳўжалигида бир нечта инвестиция лойиҳалари амалга оширилди, инновацион технологиялар ва “ноу-хау”лар ўзлаштирилди, шунингдек, иқтисодиёт соҳаларида мутахассислар ўртасида мунтазам тажриба алмашилди.

Мамлакатимиз экспортичиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида дипломатик ваколатхона қўмағи билан қиймати 3 миллион евродан ортиқ бўлган шартномалар имзоланди. Бундан ташқари, саяёҳлик салoҳиятини тарғиб қилиш доирасида Ўзбекистон саяёҳлик компаниялари вакилларининг Европадаги энг йирик туристик ярмаркалардан бири — “Vienna Messe 2020”да иштирок этиши таъминланди. Коронавирусга қарши курашиш жараёнида дипломатик ваколатхонамиз саяёҳ-ҳаракатлари билан мамлакатимиздаги учта етакчи тиббий муассасасига IAEA грант маблағлари ҳисoбидан COVID-19ни аниқлаш бўйича тест тўпламлари етказиб бeрилди.

— Сиз ишлаётган мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталсангиз. Бугун икки томонлама муносабатлар қандай ривожланмокда?

— Ўзбекистон ва Австрия қатор ўхшашликларга эга бўлиб, улар икки мамлакат ўртасида қйин сийёсий, иқти-

содий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга ёрдам бeрмокда. Давлатларимиз бoй маданий ва маънавий мерoс, қадим тарихга эга. Буюк Ипак йўлининг ривожланиши ва гуллаб-йекшишида Ўзбекистон шаҳарлари бeриёс ўринга эга бўлганидек, Австрия ҳам қулай жўғрофий жойлашуви сабабли Европа қитъаси мамлакатлари ўрта-сида савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар юксалишига улкан ҳисса қўшган.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан буюн ўтган 29 йил давомида ўзаро ҳамкорлик тенг, конструктив ва ўзаро манфаатли руҳда давом этмокда. Мамлакатларимиз ўртасида икки ва кўп томонлама муносабатларда ҳеч қандай муаммоли масалалар йўқлигини таъкидлашни истардим.

Австрия Европа қитъасидаги истиқболли савдо-иқтисодий ва сармовий шерик ҳисобланади. Ўзбекистон “очиқ эшиклар” сийёсатини амалга ошира бошлагандан буюн мамлакатларимиз ўртасидаги ташки савдо айланмаси 2016 йилдаги нисбатан уқ баравар ўсиб, 2019 йилда 138 миллион долларни ташкил қилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда Австрия капитали иштирокидаги 50 дан ортиқ қўшма ва хорижий корхоналар рўйхатдан ўтган ва бу йўналишда истиқболда катта имкониятлар мавжуд.

Австрия улкан технологик, саноат ва интеллектуал салoҳиятга эга. Ушбу мамлакатнинг юқори технологияли компаниялари билан алоқалар самарасига оид қатор мисoллар келтириш мумкин. Масалан, пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар сарoйининг муқаттам гўмбази австриялик “Оберхофер Штагльбау” компанияси томонидан қурилган. Худди шу компания пойтахтимиздаги “Бунёдор” стадиони ва “Хумо Арена” кўп функцияли спорт-қўнғилoчар мажмуасининг темир конструкцияларини лойиҳалаштирган. “Doppelmayr” компанияси билан ҳамкорликда Амурсой тоғчанги курорти бунёд этилди.

Австрия компаниялари республикаимизнинг ижтимоий соҳасини ривожлантиришда ҳам фаол иштирок этмокда. Бугунги кунда “AME International” компанияси e-health дастури доирасида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш концепциясини ишлаб чикмокда. Бу шуни англатад-дики, қйинда мамлакатимизда иш жараёнида қўзғош ишлатилияйдиган тиббий муассасалари фаолият қурита бошлайди. Бeмoрлар, уларнинг аҳоли ва касаллик тарихи ҳақидаги барча маълумотлар энг юқори стандартларга жавоб бeрадиган электрон шаклга эга бўлади.

Банк-молия соҳасидаги ҳамкорлик илчил сурьатларда ривожланмокда. Масалан, Австриянинг “Райффайзен-банк” ва республикаимизнинг 14 та банки ўртасида кредит ажратиш, депозит операциялари, ҳисoб-китoб ва ҳисса хизматлари, шунингдек, евро-бондлар чиқариш масалалари бўйича қйин ҳамкорлик ўрнатилган. “Райффайзен-банк” қўшма инвестиция лойиҳалар учун 350 миллион доллар микдoрида кредит линиясини очган.

Парламентларо алоқалар ҳам мустақамланмокда. Австрия парламентида Ўзбекистон Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича дўстлик гуруҳи ташкил этилган. Мамлакатларимиз ташки ишлар вазирликлари ўртасида мунтазам сийёсий маслаҳатлашувлар, шунингдек, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Австрия ҳукуматларо комиссиясининг йиғилиш-

лари ўтказилиб, икки томонлама, минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга кенг қўламли масалаларни батафсил муҳокама қилмокда, фикр алмашмокда.

Маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар илчил ривожланиб бoрмокда. Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Кремс шаҳридаги Австрия амалии фанлар университети билан ҳамкорликда экспортга йўналтирилган ме-нежмент ҳамда туризм ва меҳмонхона ҳўжалигини бошқариш мутахассисликлари бўйича бакалаврларни тайёрлаш йўналишида қўшма факультет очилди. Вена дипломатик академияси ва Ўзбекистон Ташки ишлар вазирлигининг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Дипломатия олий мактаби ўртасида дипломатик кадрларнинг малакасини ошириш соҳасида ҳамкорлик ўрнатилди. Ўзбекистон Фанлар академияси Ар-

ро ташкилотлар, шу жумладан, Венада жойлашган тузилмаларда мамлакатимизнинг мавқеи мустақамланиб бoрмокда.

Ўзбекистоннинг БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси билан ҳамкорлиги илчил сурьатларда ривож топмокда. Мазкур бошқарманинг минтақавий ваколатхонаси Ўзбекистон Бош прокуратураси Академияси билан биргаликда аҳолининг хавфсиз, инклюзив ва барқарор турмушини таъминлаш мақсадида шаҳар хавфсизлигини бошқариш бўйича илгор ёндашувларни илгари сурилшга оид янги қўшма ташаббус амалга оширилмокда. Шунингдек, ушбу халқаро тузилма Ўзбекистоннинг олтига идораларо мобил гуруҳ билан гўйқванд моддаларнинг ноконуний савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятда қйин ҳамкорлик қилмокда.

“Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқаро ташаббуслари туфайли сўнгги йилларда ўзаро ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди ва турли халқаро ташкилотлар, шу жумладан, Венада жойлашган тузилмаларда мамлакатимизнинг мавқеи мустақамланиб бoрмокда.”

хеология институти ва Австрия Фанлар академиясининг Нумизматик комиссияси ўртасида иллий ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.

Дипломатик ваколатхонаимизнинг асосий устувор йўналиши ўзаро муносабатларни сифат жиҳатидан янги бoсқичга қўтаришга қаратилган. Жoрий йил биз сийёсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги раундини ташкил қилиш, Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссия йиғилишини ўтказиш, юқори даражадаги делегацияларнинг Ўзбекистон ва Австрияга ўзаро ташрифларини уюштиришни рeжалаштирмокдамиз.

— Вена халқаро ҳамкорлигининг йирик марказларидан бири. Бу ерда Ўзбекистон аъзо бўлган қўллаб глобал ва минтақавий ташкилотларнинг бoш қарoргоҳлари жойлашган. Мамлакатларимиз ушбу кўп қиррали тузилмалар билан ўзаро алоқаси ва дипломатик ваколатхонанинг мазкур йўналишдаги фаолиятига тўхталсангиз.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА ТУЗИЛГАН КОТИБИЯТЛАР ҚАНДАЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРАДИ?

Кеча маҳаллий Кенгашларда янги тузилган котибиятлар фаолиятини тўғри ва самарали йўлга қўйиш ҳамда келгусидаги устувор вазифаларни белгилаб олишга бағишланган семинар ўтказилди.

Семинар

Унда Сенатнинг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси аъзолари, маҳаллий Кенгашларнинг котибият мудирилари, Сенат дe-вонининг тегишли бўлинмалари ходимлари қатнашди.

Семинарда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева қириш сўзи билан иштирок этди.

Таъкидланганидек, депутатларнинг аҳоли билан ичил мулоқот олиб бориши, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиши, муурожаатларни қўриб қиқши ҳамда қонун, қарор ва дастурлар ижроси устидан депутатлик назоратини йўлга қўйишда маҳаллий Кенгашлар котибиятлари алоҳида ўрин тутади.

Ушбу тузилманинг маҳаллий Кенгашнинг ҳар бир депутатини доимий равишда таҳлилий маълумотлар билан таъминлаб боришни йўлга қўйиши, сессиялар муҳокама-сига қиритиладиган ҳар бир масалани пухта тайёрлаши, маҳаллий давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳисобот ва ахборотлари эшитувини

ташқил қилишда доимий коммисияларга қўмаклашиши зарурлиги қайд этилди.

Қолаверса, юбюриллаётган депутат сўровлари ва уларнинг натижаларини таҳлил этиб бориш, маҳаллий Кенгаш депутатларига фуқароларни қабул қилиш, сайёр қабуллар ўтказиш билан боғлиқ масалаларда ёрдам бериш ҳам котибиятнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Шунингдек, тадбирда котибиятларнинг оммавий ахборот воситалари билан ақун ҳамкорлики йўлга қўйган ҳолда, амалга оширилаётган ишларни, айникса, ўтказилаётган сессияларни батафсил ёритиши, қабул қилинган қарорларни маҳаллий Кенгаш веб-сайтида мунтазам жойлаштириб бориши бўйича вазифалар белгиланди. Бу эса котибият ходимларидан қонунчиликни яқши билишши, ҳар бир масалага жиддий ёндашишни, масъулиятни ҳис этишни талаб қилади.

Семинарда котибиятлар фаолиятини самарали йўлга қўйиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам қўриб қиқилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ИСЛОҲОТЛАР ТАДРИЖИЙЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Қўйи палатада Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, амалга ошириш механизми ва қўтилаётган натижалар” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Депутатлар, вазирилик ҳамда ташкилотлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, университетлар профессор-ўқитувчилари ва журналистлар қатнашган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов Давлат дастури ўз мазмун-моҳиятига қўра юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг тадрижийлигини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлишини таъкидлади.

Қайд этилганидек, йил дастуридан асосий мақсад қозғоғ ёки ҳисобот эмас, балки амалий натижаларга эришиш, одамлар ҳаётида ижобий ўзгаришлар қилишдан иборатдир. Бунинг учун эса ҳар бир раҳбар ўз фаолиятида натижа қўрсатиши зарур экани ҳаётий

мисоллар асосида тушунтирилди. Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори Фозил Отахонов Давлат дастурида ёшларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли саломатлигини сақлаш ҳамда парламентнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини ошириш бўйича белгиланган муҳим вазифаларни бажариш механизми ҳамда улардан қўтилаётган натижалар ҳақида сўз юритди.

Хусусан, мазкур муҳим дастурда назарда тутилган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, муҳокама этиш ва уларни қабул қилишдан бошлаб, ижросини, ижрозиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўрнатида тушунтиришгача бўлган жараёнда олимпилар, шу жумладан, ҳуқуқшунос-

лар фаол қатнашишлари зарурлигини қайд этди.

Шу билан бирга, 10 февраль кунги Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижроси, ҳар бир вазифани самарали амалга ошириш ғоятда муҳимлиги айтиб ўтилди.

Давра суҳбатида ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари Давлат дастури билан боғлиқ ўзларини қизиқтирган саволларга депутатлар ҳамда мутасадди ташкилотлар вакилларидан асослангирлан жавоб олди.

Яқунда 2021 йилги Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, унда белгиланган бандларни амалга ошириш механизмлари ҳамда қўтилаётган натижалар ҳақида мунтазам равишда кенг жамоатчиликка тушунтириш бериб бориш, бу борадаги тарғибот ишларини қучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев “ЎЗАТ А.О.” Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси раҳбарияти билан учрашув ўтказди.

Учрашув

Дастлаб ушбу қўшма корхона вакиллари компаниянинг фаолияти, суръати ва ривожланиш истиқболлари хусусида сўзлаб берди.

Қайд этилганидек, компания 25 йилдан ортқ вақтдан буён са-

марали фаолият қўрсатиб келмоқда. Ана шу давр мобайнида компания қайта ишлаш саноати тармоқларини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларида фаол иштирок этди, бу эса қўллаб иш жойларини очиш имконини берди. Қолаверса, компания импорт ўрни-

ни босувчи лойиҳаларни амалга оширишда фаоллиқ қўрсатиб келмоқда. Унинг Ўзбекистон иқтисодийига тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 500 миллион доллардан ошганлиги ҳам шундан далолатдир.

Учрашувда, шунингдек, амалдаги ва истиқболдаги янги инвестиция лойиҳалари ҳамда корхонани янада ривожлантириш масалалари бўйича ҳам фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИ, ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ — МУҲОКАМАДА

Сиёсий партияларнинг қўйи палатадаги фракцияларининг кеча бўлиб ўтган йиғилишларида депутатлар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2020 йилдаги фаолиятига оид ҳисоботини қўриб қиқди. Шунингдек, Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига қиритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Фракцияларда

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида таъкидланганидек, парламент назорати субъекти сифатида Омбудсман томонидан фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ 1 минг 472 та муурожаат қўриб қиқилган. Биргина тадбиркорларга қарийб 2, 3 миллиард сўмлик кредитларни расмийлаштириш, суд қарорларида белгиланган 626,2 миллион сўм зарар ундирилишида ва 135,0 миллион сўмлик ортқча тўланган солиқ тўловлари қайтариб берилишида қўмаклашилган.

Бундан ташқари, Омбудсман томонидан бино-иншоотлари бузиллиб, ер участкаси олиб қўйилган фуқароларнинг бузилган ёки олиб қўйилган мулклари учун компенсация пуллари тўланишида, 14 нафар фуқарога уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратилишида, 7 нафар фуқарога уй-жой ажратилишида ёрдам берилиб, уларнинг ҳуқуқлари таъминланган.

Йиғилишда фракция аъзолари Омбудсманга хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектлари ва фермерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш масалаларига янада қўпроқ эътибор қаратишни таклиф этилди.

Ўзбекистон “Миллий тикла-ниш” демократик партияси фракцияси йиғилишида Омбудсман инсон ҳуқуқларига жавобгар бўлган ягона институт эмаслиги, бунда ҳар бир депутатнинг масъулияти борлиги таъкидланди. Бинобарин, Омбудсманга келиб тушган ҳар бир муурожаат бевосита қайсидир депутатнинг округига тегишлидир. Шу боис ўзаро ҳамкорликда ишлаш мақсадга мувофиқлигига ургуберилиди.

Шунингдек, “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилишга доир қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди. Ушбу қонун лойиҳасида тан жароҳати билан боғлиқ бўлмаган йўл-транспорт ҳодисаларини тегишли органларисиз расмийлаштириш назарда тутилган.

Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳаси йўл-патрул хизмати билан ҳайдовчилар ўртасидаги мулоқотнинг яқшиланishi, ортқча қозғоғбозлик, овор-рағарчиликка чек қўйишни эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзолари ҳисобот даврида Омбудсман томонидан фуқаролар муурожаатлари асосида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилиши, уларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари раҳбарларига тақдимномалар ва даъволар қиритилганига эътибор қаратди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ҳамда амалиётини янада тақомиллаштириш бўйича Вакилнинг тавсия ва таклифлари ҳам диққат марказида бўлди.

Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»).

АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТЛАР ЧОҒИДА МУАММОЛАР ЮЗАГА ЧИҚМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, шу кунларда сенаторлар ҳудудларда бўлиб, Сенатнинг ўн иккинчи ялпи мажлисида қўриб қиқилган масалалар ва бу йилги Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти хусусида кенг тушунтириш бермоқда. Қолаверса, аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларни жойида ҳал этиш чораларини қўрмоқда.

Халқ вакиллари — ҳудудларда

Хусусан, Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қўтбиддин Бўрхонов ҳамда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Малика Қодирхонова Тошкент вилоятининг қатор туман ҳамда шаҳарлари аҳолиси ва ёшлар билан учрашувлар ўтказди. Шунингдек, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларга эътибор қаратилди.

Сенаторларнинг биринчи ва иккинчи иш кунлари Нурафшон шаҳрида бўлди. Уларда Охангорон, Пискент, Бўқа туманлари, Олмалик ҳамда Охангорон шаҳарларидан келган фуқаролар жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари масъулиятсизлиги боис йиллар давомида ҳал этилмаган иқтимоий масалалар юзасидан муурожаат қилдилар.

— Вилоят ҳудудидаги учрашувларда маҳаллабй ишлаш тизимини изчил йўлга қўйиш, одамлар эътироз билдираётган иқтимоий муаммоларни тезкор ҳал қилиш учун мутасаддиларни кенг жалб этиш, бу борада уларнинг масъулиятини ошириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди халқ депутатлари Тошкент ви-

лояти Кенгаши котибият мудири Сайёра Файзиева. — Ёшлар муаммоларини урганиш, улар бандлигини таъминлашда вилот Кенгаши зиммасига ҳам тегишли вазифалар юклатилган. Шу боис сенаторлар бу галги учрашувларда жойлардаги муаммоларни ҳал этишда маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолиятига ҳам баҳо бермоқда.

— Олий Мажлис Сенатига Тошкент вилоятидан тушган 11 муурожаатни бу ерга олиб келгандим, — дейди Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Малика Қодирхонова. — Юзма-юз мулоқотларда эса янада ғайрат билан ишлашга тўғри келяпти. 20 дан ортқ бандлик, уй-жой, кредит олиш, иқтимоий ҳимоя ва бошқа йўналишлар бўйича муурожаатларни қўриб қиқдик. “Аёллар дафтери”, “ёшлар дафтери” борасида ҳали муаммолар, ечим топмаган масалалар қўп. Тадбиркорликка мойиллиги бор ёшлар бошқарув қўйи бугинлариде бюрократия муносабатларга дуч келмоқда. Бунда, албатта, уларнинг ҳуқуқий билими етарли эмаслиги панд бераётти. Жойларда бандлик идора-

лари томонидан ўспиринларни қайта ўқитиш, касбга йўналтириш борасида ҳам ҳали қўп меҳнат қилишимиз кераклиги аён бўлди.

Учрашувлар ошқоралиқ руҳида ўтаётгани боис йигит-қизлар ўзларини қийнаб келаётган масалаларни рўйироси илгари сурмоқда. Охангорон шаҳридаги Илоқ маҳалласидан таширф буюрган Шохрух Ғафуров тадбиркорлик учун кредит олишда муаммоларга дуч келаётганини маълум қилди. Охангорон туманидаги Янгиобод маҳалласида истиқомат қилувчи Нуриддин Қўшматов янги иш ўринлари яратиш ҳисобига қурилиш материаллари ишлаб қиқаришни йўлга қўймоқчилигини билдирди. Бироқ унга мазкур ҳудуддан ер майдонини ажратиш масаласи муаммолитига қолмоқда. Пискентлик Шохрух Анваров Геодезия ва картография йўналиши бўйича касб-ҳунар коллежини битирган. Зарурий мутахассисликка эга бўлса-да, соҳада ишлашга вақант ўрин йўқлиги боис ишизлар сафида.

Мулоқотларда, шунингдек, охангоронлик Зиёда Ўшмуродова, Билол Ҳамзаев, Абдуғофир Деҳқонов, Достон Эламасов,

Отабек Йўлдошев сингари ўнлаб ёшлар чорвачилик, қўвчилик, бандилик каби йўналишларда ишлаш бошлашга мойиллигини билдирди. Эйвалек кишлоғилик Ширингул Исмоилова эса лалми майдондан 50 гектар ер олган. Бироқ унинг на техникаси бор, на бизнес режаси. Камига, у деҳқончилик қилмоқчи бўлган ҳудудда сўғориш тармони йўқ, У ишчи нимадан бошлашини билмасдан овора. Ёнидаги фермер ҳўжалиги раҳбари эса унга қайишмаётти. Аёл боши билан ташаббус қўтариб қиққан Ширингул сингари ўспиринлар вилотда жуда қўп. Бироқ уларнинг пинҳани қиқриб қўллаб-қувватлайдиганлар кам. Аксарият ёшларда бизнеснинг но-зик сир-синоатларини илғаш салоҳияти ҳали шаклланмаган.

Сенаторлар мулоқотларда билдирилган масалаларни диққат билан тинглаб, Ёшлар ишлари агентлиги вилот бошқармаси мутасаддиларига йигит-қизларни касбга йўналтириш, ҳуқуқий билим ва тажрибасини ошириш, улардаги тадбиркорлик қўнқималарини ривожлантириш, бандкан кредит ҳамда субсидиялар олишда амалий ёрдам қўрсатиш юзасидан тегишли қўрсатмалар берди.

Ўрта Чирчиқ туманидаги мулоқотларда аёлларнинг тадбиркорлигини қучайтириш, бандлигини таъминлаш, маҳаллабй ва оилабй ишлаш тизимини йўлга қўйиш борасидаги муаммоларини бартараф этиш юзасидан йўл-йўриқ берилди. Бугун бу туманда истиқомат қилаётган 153 мингдан ошмиқроқ

Шодиёр МУТАҲАРОВ
(«Халқ сўзи»).

ҚАРОВСИЗ ЙЎЛЛАР ҚАЧОН РАВОН БЎЛАДИ?



Жиззах вилоти ҳудудида 2 минг 601 километрик халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари мавжуд. Қўш, уларнинг барчаси ҳам талаб даражасидами?

Афсуски, шундай йўллар ҳам бор экани... Афтидан бирон-бир масъул бу йўллардан яқин орада ўтмаган қикар...

Масалан, Зарбдор туманининг ҳокимлик биноси ёнида улкан давлат байроғи ҳилираб тургани ҳар қандай кишининг гурурига гурур қўйиши аник. Бироқ шу йўлнинг то “Шарқ юлдузи” кишлоқ фуқаролар йиғинигага бўлган 5 километрдан иборат қисмидан ўтсангиз, беҳиётчи гурурингиз “синида”.

Айтишларига, бундай “шудгор йўллар” 2020 йилда ўтказилган жорий таъмирдан кейин аниқ бўлган экан. Лекин шу иш учун анча-мунча давлат маблағи сарфлангани рост-қу? Шундан сўнг айрим йўлсозларнинг шиори “кам пул сарфлаб, йўл маблағ ундириш”масмикин, деган ҳаёлга ким ҳам бормаиди?

Йўлсозлар фаолиятида жорий таъмирлаш, сақлаш, қиқки қаров, қўқаламзорлаштириш, тўла таъмирлаш, ўрта таъмирлаш каби бандлар бор. Гуё “ўқилинган эшагини сўғор, пулини ол”, деганларидек. Хатто, ёлмаган қонун курадим, деб ҳисоб берганлар қиқиди.

Жиззах вилоти автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси маълумотларига қўра, 2020 йилда вилот ҳудудидан ўтувчи умум-

мий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 143 миллиард 484 миллион сўмлик реконструкция, тўла ва жорий таъмирлаш ишларини бажариш режалашгирланган, амалда 184 миллиард 517 миллион сўмлик (146 фоиз) ишлар бажариллибди.

Рақамларга боқиб қойил қолмаслиқининг иложи йўқ. Бироқ аҳоли бундан розими? Афсуски...

Зарбдор туманидан ўтувчи Жиззах — Қўқон йўли ҳўжасизлиқнинг ноёб намунаси ҳисобланади. Шу ерда ишлаётган йўлсозлар билан суҳбатлашганимизда улар ҳам аруз додини кимга айтишни билмай ўтирган экан.

— Февраль ҳам яримлаб қолди, ҳамон январь ойининг иш ҳақини олганимиз йўқ, — дейди Зарбдор ТИФХУК ишчиси Муҳиддин Йўлдошев. — Қолаверса, ҳеч бир сабабсиз 3-разряддан 2-разрядга тушириб қўйишгани алам қилади. Топиш-тутишимиз ҳам шунга яраша...

Йўллар элнинг қўзи тушадиган жой — камчиликларни яшириш мушкул. Ундаги ўқидим-чуқурларни, пасту баландлиқни қўздан самғалат қилиб бўлмаиди.

Тошкентдан Форизга йўл олган машина йўл қўрсаткичи (навигатор) Утченгага келганда “яқин йўл” деб Оқтом томон ишора қилади. Замонавий ускунага ишониб бу йўлдан бир юрган елкадовчи эса “бундан кейин бу йўлни елкадимин чуқури қўрсин” дея афсусланиши аник. Қизик, мана шу хароба йўл беш-олти йилки, бал-

“Йўл азоби — гўр азоби” дейишган ота-боболаримиз. Бундай йўлларнинг аҳволини ўша йўлдан юриб қўрган кишигина билади.

Ҳозир баён қилинадиган салбий ҳолатларга жамоат транспорти, умуман, автомобиллардан фойдаланадиган ҳар қандай инсон дуч келади. Бу қандай ҳолатлар дейсизми? Марҳамат, кузатишларни Жиззахдан бошладик...

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

ки ундан-да қўпдир “тузалай” демайди.

Вилотда “Жиззах қўприклардан фойдаланиш” унитар корхонаси мавжуд. Биз унинг раҳбари Хўжаикбар Раҳматовдан:

— Сизлар қўприк қурайсизларми ёки қўприкдан фойдаланасизларми? — деб сўрадик.

— Йўқ, биз фақат йўл қураимиз.

...Бундай “шудгор йўллар” 2020 йилда ўтказилган жорий таъмирдан кейин пайдо бўлган экан. Лекин шу иш учун анча-мунча давлат маблағи сарфлангани рост-қу? Шундан сўнг айрим йўлсозларнинг шиори “кам пул сарфлаб, қўп маблағ ундириш”масмикин, деган ҳаёлга ким ҳам бормаиди?

— У ҳолда нега корхонангизда қўприк сўзи бор?

— ...

Бизга маълум бўлишча, илгари ушбу корхонада Холбўй Сангинов деган шахс қўп йиллар раҳбарлик қилган. Худди шу даврда 4Р 43 “М-39” “Заритан” — Маржонбулоқ — Қўшработ” автйўлини қуришда талон-торожиқ, ғирромликлар содир бўлган. Яқин атрофдаги анҳор, дарёлар қўқиндиши шағал сифатида ишлатилиб, қоғозда “шағални 60 километр жойдан олиб келдик”, дея расмийлаштирилган. Бу билан қанча махсулот, ёнилиғ-

Сангинов бугунги кунда Каттакўрғон йўл қурилиши идорасига раҳбарлик қилмоқда... Ў-ўзидан савол туғилиди: бу лавозимга уни ким тайинлади экан?

Жойларда бўлганимизда ҳар қадамда раҳбар қўнайиб кетганига ғувоҳ бўлдик. Айтилик, туман автомобиль йўлларидан фойдаланиш унитар корхонасида директори ҳам, бош муҳандис-у, хатто кадрлар бўлими мутасаддиси ҳам ўзи ҳон, қўлан-каси майдон. Раҳбар қўп-у, назорат йўқ. Иш тарзи — “мен сенга тегмайман, сен менга тегма” қабилида. Биров жонини қойитгиси келмайди.

Шу ўринда бир гап. Бугун ҳар бир нараса ўз номи билан аталадиган замонда яшаяпмиз. Айтилик, санъаткор чорва фермасига раҳбар қилиб қўйилса, қанчалик тўғри?

Гап шундаки, Арнасой тумани автомобиль йўлларидан фойдаланиш унитар корхонаси бош муҳандиси Сайфиддин Баратов ўрта махсус маълумоти.

Аввал Шароф Рашидов туманида корхона директори бўлган, ҳозирги пайтда Пахтакор туманида шу вазифани бажарётган Зафар Қулбеков Жиззах давлат педагогика институтида ўқиган.

Фалларол туман идораси бош муҳандиси Оллоёр Абулқосимов Сирдарё электромеханика техникумида таълим олган. “Жиззах қўприклардан фойдаланиш” унитар корхонаси директори Хўжаикбар Раҳматов Тошкент молия институтини битирган...

“Чўмчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин”, деган нақлни назарда тутсак, бу мутахассислар йўлсозлик соҳасига адашиб келиб қолганларданмасмикан? Ё бу ерда биз билмаган бошқа сабаб борми?

Эътибор берилса, йўл идораси тақдим этган ҳисоботларда 200 метр, 300 метрлик йўл бўлакларига жорий таъмирлаш ўтказилгани ақ этган. Хўш, бу танловлар қайси асосга қўра режага қиритилган?

Жавоб битта: ҳамма гап манзилли дастурни тузишда ижро идораси ходимининг “чаққонлиги”га боғлиқ. Айнан қайси жойни манзилли дастурга қиритиб юборишда қийдир амалдорнинг қўчасини ҳисобга олиш назарда тутилади. Ваҳолан-

ки, бу борада шафдофлик, жамоатчилик назорати йўқлиги тўфайли аҳолида норозилик пайдо бўлаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Масалан, Шароф Рашидов туманининг Қархона маҳалласида таъмирталаб йўл қилиб, нисбатан дуруст бўлган йўлларга эътибор қаратилган. Чўночи, Роҳат қўчасидан 200 метр, Мазрифат қўчасидан 200 метр, “Истиклол” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Маржонсув қўчасидан 300 метр бўлакда таъмирлаш ишлари олиб борилад. Атрофдаги бошқа қўчалар эса ниҳоятда хароб аҳволда.

Нима, мутасаддилар бу аҳволдан беҳабарми? Ё ҳали-ҳамон “ўз билганимиздан қолмаймиз” қабилида иш тутаяптимикан?

Бугунги кунда эл хизматининг барча соҳасида маҳалларин ободлигига қандай ҳисса қўйиши билан ўлчанади. Лекин вилотда бу борада мактангулик ютуқлар йўқ ҳисоби. Хусусан, йўллардан фойдаланиш идораси ходимлари бевосита маҳаллаларини обод қилиш ҳақида аник режага эга эмас.

Президентимизнинг 2019 йил 9 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси йўл ҳўжалиги тизимини чуқур ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг 6-бандида йўлларга қайси субъектлар эғаллик қилиши ҳамда эксплуатация ишлари қайси ташкилотларга юклатилганлиги аник қ

КЎҲНА ТАРИХИМИЗГА ОИД ҒУРУРБАХШ ВОҚЕЛИКЛАР БАЁНИ



Давлатимиз раҳбари Ватан ҳимоячилари кўни арафасида Куролли Кучлар Академиясида таълим олиш чоғида ва Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳарбий ўқув муассасаларида таълимни янада такомиллаштириш, хусусан, ўқувчилар қалбида миллий рух, она Ватанга меҳр ва садоқат, адолат туйғуларини ҳар томонлама кучайтириш ҳақида

Маълумки, Амир Темури салтанати низоҳат даражада катта қўшинга ва унинг барқарор таъминот тизимида эга бўлган. Олий Бош қўмондон Амир Темурининг ўзи ҳисобланиб, у бўлмаган вақтларда қўшинлар ишига ноиб, бош амир — амир ул-умуро бошчилик қилган, “Темури тузуқлари”да

қўрсатилишича, бу унвонга беш киши сазовор бўлган.

Дунё ҳарб илми ва ҳарб иши тарихида темурийлар даври ҳарбий тактикаси ҳамда усуллари юксак даражада эътироф қилинган. Ҳазрат Бобур бу давр ҳарб иши, санъатида доир “Ҳарб иши” номли илмий асар ҳам ёзган, бахтга қарши маъжур асар бизгача етиб келмаган. У бобокалони каби ҳарбий арбоб сифатида қўшиннинг тузулишини — ўнлик, озлик, минглик, туманлик, Боронгар, Авонгар шаклида маҳорат билан бошқарган, уларнинг ишончини қозонган ва қўшиндаги интизомни сақлаш ҳамда ғалабани таъминлаш учун Амир Темурининг “Куч — тартибда” деган қоидага қаттиқ амал қилган. Масалан, мемуарда ёзилишича, агар унинг жангчилари халқ, эл, улусдан руҳсатсиз, зулм, зўрлик билан бир ип учи, бир игна синиғи, бир кўза ёғ олса ҳам қаттиқ жазоланган. Ҳатто у энг оғир жазо тури, яъни ўлим жазосини ҳам жорий қилган. Чунончи, “Ём навоҳисиди эканда шарҳи, бош амир — амир ул-умуро бошчилик қилган, “Темури тузуқлари”да

савдо қилурлар эди. Бир намози дигар баяқбор ғавғойи оми бўлуб, бу мусулмонлар тамом талонга бордилар. Черик забти бу мартабада эрдиким, фармон бўлдуким, жамиъ элнинг жихотини ҳеч ким сахламай тамом ёндура бергайлар. Тонгласи бир паҳар бўлмайдур эрдиким, ип учи,

“...ҳамма ўз тарихини улуглайди. Лекин бизнинг юртимиздагидек буюқ алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга еткази билишимиз керак.”

иғна синиғича нима черик илиғида қолмади, борчасини эгаларига ёндура бердилар”.

Мемуарнинг 1828 йилда А. Кайзер томонидан амалга оширилган немис тилидаги таржимасида Мирзо Бобури ҳарбий юришларини акс эттирувчи алоҳида ҳарита ҳам илова қилинган. Бу, биринчидан, дунё олимлари у қўллаган ҳарбий тактика ва усуллари алоҳида қизқиш билдирилганини кўрсатса, иккинчидан, Амир Темури ва Мирзо Бобурининг ҳарбий тактика ҳамда усуллари айрим ривожланган давлатлар ҳарбий ўқув дастуруларидан ўрин олганини аниқлатади.

Шу маънода, Бобур ўзини султон Ҳусайн Бойқаро ёки бошқа темурий ҳукмдор ва шахзодалар билан қиёслаган тарихий тасвирлардан бирига мурожаат қилсак. “Бобуринома”нинг 1503-1504 йиллар воқеалари баёнида, яъни Кобулда мустақил ҳукумат тузган Бобур подшоҳга қосид орқали Ҳусайн Бойқародан Шайбонийонга қарши чиқиш, қарши туришга ундоғчи хабарлар келади. Мақтублардан бирида Ҳусайн Бойқаро Бобур подшоҳга Коҳмард ва Ажарда ҳарбий истеҳком билан мустаҳкам туриши ҳақида ёзиб юборади. Аммо султоннинг кекалик, касаллик, айни пайтда “Темурибекнинг юртида” ва айнан Хуросонда кечаётган сиёсий бекарорлик сабабми, оқибатини ўйламай тутган ҳарбий режалари ёш бўлса-да, ҳарб илми ва ҳарб ишини яхши билган саркардага маъқул келмади. Бу ўринда у оғоҳлик билан марказлашган темурийлар давлати асосини, ҳарбий Бош қўмондон, адолат ва қудрат тимсоли, шонли сулоланинг бош бўлини бўлган, йигирма етти давлатни ўз тасарруфига олган мулкдор Амир Темури ёдга олади. Мирзо Бобур асар матнида “Темурибекнинг юртида” иборасини ишлатган ва Амир Темури салтанати дунёнинг энг қудратли давлати бўлганига ишора қилган. Яъни “Султон Ҳусайн мирзонинг бу хатлари мужиб ноумидлик бўлди. Не учунки, Темурибекнинг юртида бу тарихда андин улурок подшоҳ ҳам ёш ва ҳам вилоят ва ҳам черик била йўқ эди”.

Яна у “Темурибек ўрнига ўлтурган” дея ўз фикрларини давом эттириб, мудофааси, ғалабаси, оқибати таъминланмаган ҳарбий юришдан ташвишга тушиб, қаттиқ норози бўлганини яққол сездириб, шундай тушунтиришга ҳаракат қилган: “Султон Ҳусайн Мирзодек Темурибек ўрнига ўлтурган улуг подшоҳ ғанимининг устига юрмакни демай, ер бериктамни деса, эл ва улусқа, не умидворлик қолгай?” Бундай тасвирлардан улуг аждодимизнинг нақадар шероқар, мард ва жасур, омиликор бўлганини билиш мумкин.

Бобур мирзо юксак сиёсий тафаккурга, саркарда ва ҳукмдор унун зарур қўнималарга эга, муҳими, салтанатни сақлаб қолишда барча темурий ҳукмдорларнинг бир-

лаштиши ҳаётий зарурат эканини чуқур англаган эди. Буюқ саркарда Самарқанд тахтига уч марта ўтиришга муваффақ бўлган ягона темурий ҳукмдор сифатида ҳам тарихимиздан ўрин олди.

Бобур мирзо ўзининг оз сонли қўшини билан Самарқанд ва унинг атрофидаги мавзёларда Шайбонийон қўшинлари билан бир неча марта очик жангга киришган. Аммо кучларнинг тенг эмаслиги сабаб ўз юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Улуг аждодимиз юксак ҳарбий маҳоратга эга бўлганини 1526 йил 21 апрелда Деҳли яқинидаги Панипат кишлоғидаги жангга кам сонли йипитлари билан Деҳли султони Иброҳим Лўдий қўшинига мағлуб этгани кўрсатади. Бир асарга 8-9 ёғий тўғри келган ва 100 дан ортик жанговар филлар қатнашган бу даҳшатли муҳорабада Бобур мирзо ўзига хос усул қўлайди. Яъни саркарда буйруғи билан жанг майдонида аравалардан яримдоира шаклида дала истеҳкоми барпо этилади. Аравалар оралиғида тўфанг (милтик) билан қуролланган, совут билан ҳимояланган жангчилар жойлаштирилади. Жанг тақдирини қўшин марказига жойлаштирилган тўпчилар бўлинимаси ҳал қилди. Аммо баракдан отилган ўқлар шовқинидан қаттиқ қўрққан жанговар филлар Иброҳим Лўдий қўшинининг жанговар сафини бузиб, қоча бошлади. Пешиндан кейин ҳужумга ўтган Бобур қўшинлари тўпик ғалабага эришди.

Панипат жанги курашларда юксак маънавий маслак, азму шижоат, мардлик ҳаммиса ғолиб чиқаётганини яна бир бор исботлади.

Мухтасар айтганда, Бобур мирзо ҳаёти ва фаолияти, нодир мероси, темурийлар давлати тузуги ва турмушини чуқур ўрганиш халқимизнинг миллий ғурурини юксалтиришга, айниқса, ёшларда ватанпарварлик, эл-юртга садоқат туйғуларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Робия ТАНИБОВА,
ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

Мутлақ шахсий фикр

Касб тақозоси туфайли дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлишимизга тўғри келади. Улар орасида менга, айниқса, Грузияга бўлган саёҳат катта таассурот қолдирган.

«ЭСКИ ШАҲАР» АСЛ ҲОЛИДА КЕРАК

...Бизни тоғлар бағрида жойлашган мўъжаз Сигнаги шаҳарчасига олиб боришди. XVIII асрда подшо Ираклий II даврида барпо қилинган шаҳарнинг эски қалъаси ҳамон кўз ўнгима. Салкам 40 гектар ҳудудни эгаллаган 28 та минораси бўлимиш қалъа деворларининг узунлиги 2,5 километрга тенг. Шунингдек, бу ерда XIX асрни эслатувчи турархўй бинолари қад ростлаган. Сайёҳларни жалб қилиш мақсадида ушбу иншоотлар эскича усулда таъмирланиб, йўллар қурилибди, янги меҳмонхона ва рестороанлар очилибди. Бир қатор турархўй бинолари хусусий меҳмонхоналарга айлантирилибди.

“Эски биноларни сақлаб, яхши иш қилибсизлар”, десам, “қаёқда, буларнинг аксарияти 2005 йилдан кейин қурилган”, деган жавобни эшитдим. Маълум бўлишича, ҳукумат эски биноларни бузган, аммо уларнинг асл қўриниши сақлаб қолingan ҳолда, янги уйлар қурилган ва бунинг учун кредитлар берган. Яъни миллий меъморчилик сақлаб қолingan...

Ҳудди шундай ҳолатни Озарбайжон пойтахти Бокунинг “Ичери шеҳер”и (эски шаҳари)да ҳам кўриш мумкин. 221 минг квадрат метрни ташкил қилган, атрофи қалъа деворлари билан қўраб олинган қадимий бу масканда айни дамда 1 минг 300 оила истиқомат қилади. 2000 йилда ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатида киритилган Қўз қалъаси ва Ширваншоҳлар саройи билан бирга, 1977 йилда тарихий-археологик қўриқхона, деб эълон қилинган “Ичери шеҳер” XVIII-XIX асрни эслатади. Ушбу манзилгоҳни Хивадаги Ичан қалъага қиёсласа бўлади...

Яқинда таниқли расом Шавкат Музаффар ижтимоий тармоқдаги саҳифасида швейцариялик машҳур меъмор, олимпиа Викториа Иастон ўз шоғирди Стефан билан Тошкент шаҳрининг “Эски шаҳар” қисмидаги турархўйлар типологиясини илмий жиҳатдан ўрганиб, ҳужжатлаштириб альбом тайёрлаш орузида эканлигини ёзди.

Аслида буни ўзимизнинг меъморлар қилиши керак эмасми?

Фикримизча, Тошкентнинг “Эски шаҳар”ини ҳам худди Сигнаги ва Боку сингари тарих учун сақлаб қолиш керак. Айни дамда Ҳазрати Имом мажмуаси сайёҳларнинг севимили масканига айланган, унинг ёнида Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази ҳам миллий меъморчилик асосида барпо этиляпти. Ҳозирги Ўзбекистон тарихи давлат музейи биносидан бошқа эзгу мақсадда фойдаланиб, музей учун янги бинони айнан “Эски шаҳар”да қуриш керак. Ҳазрати Имом атрофидаги эски уйларни асл қўринишида таъмирлаш зарур. “Эски шаҳар” бозори билан қўшиб Сағбон ва Қорасарой кўчаларидан то Нурафшон кўчасигача бўлган маҳаллалар музей-маҳаллага айлантирилиши лозим.

Тошкентнинг буюқ тарихи сақлаб қолинса, сайёҳлар учун янада жозибаи бўларди. Бу миллий ўзликни англаш, ёшларни тарихга ҳурмат руҳида тарбиялашда ҳам муҳим.

Яна бир гап. Озарбайжонларнинг “Ахмад қаерда?”, “Аршин молотан” ва “Қайнона” фильмларини севиб томоша қилмиш. “Ичери шеҳер”да ушбу асарларга ҳурмат маъносига “Қайнона” деган қаҳвахона очилган. “Бриллиант қўн” фильмининг томоша қилмаган инсоннинг ўзи бўлмаса керак. Мана шу картинанинг айрим сахналари ҳам Бokuда суратга олинган. Фильмдаги “черт побери” (ўзбекчаси “жин урсин”) деган сўз эсингиздами? Ушбу фильм қаҳрамонларининг бири (Никитин) тасодифан, яна бири (Миронов) атайлаб йиқилган жойда мўъжазгина “Бриллиант қўн” деган қаҳвахона очилган.

Бokuдаги “Ширваншоҳ” тамаддиҳонаси қадимги замондан шу кунгача бўлган даврни эслатади. Тамаддиҳонада тарихнинг ҳар бир зарварига ҳақида тасаввур уйғотувчи бўлмалар бўлиб, аввалдан бюртма берган ҳолда ўзингиз истаган хонада овқатланишингиз мумкин. Шу қаҳвахоналар олдида ўтар эканмиз, бизда ҳам “Эски шаҳар”да “Шум бола”, “Сунончи”, “Чинор остидаги дуэль”, “Ўткан кунлар” ва бошқа кинолар номи остида ёки Ўзбекистоннинг қадимий тарихини эслатувчи қаҳвахоналар очиладиган вақт келмадимикан, деган ўй ўтган эди.

Тбилисиди энг яхши дея тан олинган “Цисквили” (“Тегирмон”) ресторани бор. Уни рестороан дейишдан кўра, музей-шаҳарча деб номласак, тўғрироқ бўларди. Аввалига сизни ҳақиқий сув тегирмонига тақлиф қилишади. Бу ерда бугудойдан ун қилинаётганини, ундан нон ёпилаётганини бевосита кўриш имкониятига эга бўласиз. Таъмингизга қараб қизил ёки оқ шаробдан татиб кўрасиз. Ана ундан кейин грузин миллий қадриятлари акс этган рестороанга киришингиз мумкин. У ерда меҳмонларни грузин халқ чолгу асбоблари ансамблининг созандалари миллий мусиқа садолари остида кутиб олади. Сирасини айтганда, Кура дарёси соҳилида жойлашган эртақсимон маъжур рестороанда грузинларнинг куй-қўшиқ ва рақсларига мафтун бўлган ҳолда, миллий таомларини истеъмол қилишга нима етсин?!

...Келажакда Тошкентнинг “Эски шаҳар”и шундай бўлишини тасаввур қиламан. Бу пойтахтимизнинг бош режасида ўз аксини топса мақсадга мувофиқ эмасми?

Журналистлар, адиблар, тарихчилар, қолаверса, кенг жамоатчилик бу фикрларга, тақлифларга муносабат билдиришини истаб қоладим...

Шарофиддин
ТУЛАГАНОВ,
журналист.



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
МИЛЛИЙ БАНКИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**акциядорларининг
умумий йиғилишини ўтказиш
тўғрисидаги хабар**

Жамиятнинг номи: «Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки»
акциядорлик жамияти.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100084,
Тошкент шаҳри, Амир Темури шоҳқўчаси,
101-уй.

Электрон почта манзили: info@nbu.uz ва
webmaster@nbu.uz

Умумий йиғилиш ўтказиш кун ва жойи:
2021 йил 3 март, соат 9.30. Тошкент шаҳри,
Амир Темури шоҳқўчаси, 101-уй.

**Акциядорларнинг реестри шакллантири-
ладиган сана:** 2021 йил 25 февраль.

Кун тартибига киритилган масала:
мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш
учун аудиторлик ташкилотини белгилаш
тўғрисида.

**Акциядорларни ахборот (материаллар)
билан таништириш:** банк сайти, хат ва
электрон хат (е-хат) орқали.

**«ELXOLDING»
ilmiy-ishlab chiqarish birlashmasi**

BAKTERIYALARGA QARSHI HAVO RESIRKULYATORI

Ko'plab zararli mikroorganizmlar, bakteriyalar, barcha turdagi viruslar, zamburug'lar, chang kanalari va boshqalardan xonalarni zararsizlantirish hamda havoni tozalash uchun mo'ljallangan.

Ozonsiz, odamlar uchun mutlaqo xavfsiz, aholi bor joylarda doimiy ravishda ishlatilishi mumkin.

Xonada salomatlik uchun optimal havo darajasini saqlaydi.

Astma, allergiya, migren, gipertoniya, ovqat hazm qilish tizimi, nafas olish tizimi, yurak-qon tomir tizimi, modda almashinuvinin buzilishi kasalliklari bilan kasallangan bemorlarga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

QO'LLASH JOYLARI

UY IDORA TA'LIM MUASSALARI RESTORAN DO'KON

«ELXOLDING» IICHB, Samarqand sh., Gagarin k., 36-uy.

93-720-30-30, 33-993-03-33.

**Халқ сўзи
Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълоналар 71-232-11-15.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-6784

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 248. 30 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Обфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-6784

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР**

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Соликов,
Музаҳҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 00.55 Тошпирилди — 01.00 1 2 3 4 5 6